

**Қадим Жиззах ахолисининг этник таркиби ҳақида**

**( воҳанинг Бахмал тумани мисолида)**

**Бобомуродова Ноила**

**ЖДПИ I-босқич магистранти**

**On the ethnic composition of the population of ancient Jizzakh**

**(on the example of Bakhmal district of the oasis)**

**Bobomurodova Noila**

**Master of JDPI Level I**

Ўзликинги англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фаҳрланиб яшайди.

Ўз наслу насибени билиш, келиб чиқишини ўрганиш кишининг ҳаётда омонат ё тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Шу билан бирга атроф-муҳит, уни ўраб турган олам хусусида ўйлашга ундаиди [5:19].

XXI асрга ривожланишнинг замонавий тараққиёт йўли билан кириб келган, бой маданияти ва бебаҳо маънавиятига эга бўлган ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига кириб борган тарихий ўтмиши билан алоҳида ўрин эгаллайди [2:25].

Хозирги кунда жой, географик, киши номларини ўрганишда тилшунослик, тарихий географияга оид номларни аниқлашда археологик қазилма ишлари натижаларига қараб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Чунки, топонимика фани жой, географик номларни ишончли маълумотлар асосида аниқлашда аниқ далил ва исботларга муҳтоҷ бўлади [3:85]. Ана шундай паллада тарихий география ва топонимика билан боғлиқ тоғлар, дарёлар, кўллар, дашт худудлари, текисликлар, воҳа ва водийлар, қадимги маконларнинг жойлашуви, ҳудудларнинг чегаралари, жой номлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши каби кўплаб масалалар бўйича маълумотлар олиш Ватан тарихига бўлган қизиқишининг янада чуқурлашувига кенг имкониятлар яратади.

Таъкидлаш ўринлики, географик номларнинг маълум халқлар ва элатлар яшайдиган худудларда пайдо бўлганлиги, бу жараён табиий-географик шарт-шароит, хўжалик шакли, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги боис, соҳа мутахассислари тор йўналишли тадқиқотларда тарихий география ва топонимикани четлаб ўтолмайдилар.

Жиззах вилояти географик ўрнига кўра Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган. Топонимлари ва маҳаллий географик терминларига кўра, бу вилоят бошқа худудларга нисбатан оралиқ мавқеини эгаллайди. Воҳада туркий (аксари ўзбекча, сўнgra қозоқча,

шунингдек, қирғизча) географик номлар кўпчиликни ташкил қилса ҳам ўлка топономиясида суғдий ва бошқа эроний субстрат (туб) топонимлар, қадимий туркий топонимлар, шунингдек, арабча ва мўғулча лексик бирликлардан таркиб топган ер-сув номлари анчагина учрайди [4:66].

Ҳудуддаги Уструшона, Пешағор каби тарихий жойлар, Такалисой қоятошлариға ишланган расмлар... Жиззах воҳасининг қадимий цивилизация ва маданият бешикларидан бири бўлиб келганини кўрсатади [1:345].

Ватанимиз тарихидан маълумки, айни пайтдаги Жиззах вилояти майдонининг кўп қисми милоддан аввалги бир неча асрдан тортиб илк ўрта асрларгача мавжуд бўлган Уструшона (Истаравшан) тарихий ўлкасида бўлган; бу тоғли тарихий вилоят Жиззах шахри билан (баъзи маълумотларга кўра Тожикистоннинг Панжакент шахри билан) ҳозирги Хўжанд шахри оралиғига тўғри келади.

Кўриб чиқилаётган Жиззах воҳасининг тоғ олди текисликлари ва тоғлардан иборат Бахмал тумани 1943 йил 8 майда ташкил этилган (1957 йил 12 октябрда Ғаллаорол тумани билан бирлаштирилган эди, 1971 йил 31 августда қайта тузилди). Жанубий қисмида Туркистон тизмаси ва унинг шимолий-ғарбий тармоғи - Молгузар тоғлари орасидаги Сангзор водийсида жойлашган Бахмал тумани (майдони 1,86 минг км<sup>2</sup>) Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманлари, Самарқанд вилояти ва Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Аҳоли (91,8 минг киши) асосан 100 дан ортиқ катта - кичик қишлоқларни ўз ичига қамраб олган 10 та қишлоқ фуқаролари йиғини: Барлос, Бахмал, Боғишамол, Гулбулоқ, Муғол, Ойқор, Оқгош, Сангзор, Тонготар, Узунбулук ва марказ Ўсмат шаҳарчасида истиқомат қилиб келади [6:615]. Ҳозирги вақтда Бахмал тумани аҳолиси асосан, ўзбеклар (92,4%) ҳисобланади. Шунингдек рус, қозоқ, тожик, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км<sup>2</sup>.га ўртacha 10 кишидан 25 кишигача тўғри келади. Қирғиз ва тожик аҳоли вакиллари асосан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаси этакларида яшашади.

Бир қанча тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, XIX аср охири - XX аср бошларида Бахмал туманида яшаган аҳолининг этник таркиби анча мураккаб бўлган турли уруғ ва элат вакилларидан таркиб топган. Бахмал тумани аҳолисининг этник таркибини ўрганишда 1917, 1920, 1924, 1926 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари [7] ҳамда Зарафшон воҳасида тадқиқот олиб борган В.В.Радлов [8:58,64], А.Д.Гребенкин [9] ва Л.Н.Соболев [10:163] каби олимлар тўплаган статистик маълумотлар асосий манба бўлиб хизмат қиласди

Туманинг ўтрок аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва қавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қиласда, ўзининг келиб чиқиши, урф-одатлари ва айrim миллий анъналарини сақлаб қолганлиги билан бир-биридан ажralиб турган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг 21-фонди, 17-рўйхатида XIX аср охирларида статистик маълумотлар Жиззах уезди волостларида аҳолининг

жойлашуви, хўжаликлар ва аҳоли сони, боғ ва томорқа экинининг ер майдони, чорва сони тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бу статистик маълумотларда 1871 йилда Жиззах уездидаги 157 та қишлоқ, 7 104 та оила - хўжалик, 22 725 тадан ортиқ аҳоли, шундан Жиззах шаҳрида ва жами уезд бўйича русийзабон аҳоли оила-хўжалиги 70 тадан ортиқ, ҳаммаси бўлиб 91 киши истиқомат қилганлиги таъкидланади [11:35]. Бу маълумотлар тўлиқ олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша даврларда аҳоли сони бирор маротаба ҳам рўйхатга олинмаган бўлсада, россиялик ҳарбийларнинг ўзлари қишлоқларда бўлиб маълумот тўплашга муваффақ бўлганлар.

Самарқанд вилоятининг этнографик харитасини яратиш учун 1922 йил 20 июлда Самарқанд, Каттақўргон ва Жиззах уездининг бир қисмига (Совнарком томонидан) 7 ҳафталик этнографик экспедиция уюштирилади [12:52]. Ушбу экспедиция таркиби 4 кишидан иборат бўлиб, улар Самарқанд вилоятининг жами 47 та волости аҳолисининг этник таркиби ҳақида статистик маълумот йиғишиди. Мазкур статистик ва этнографик маълумотлардан Бахмал туманида ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан хилма-хил этник гуруҳлар истиқомат қилганлигини, улар ҳудудда турлича тарқалиб жойлашганлигини билишимиз мумкин.

Бахмал туманида сон жиҳатидан энг кўп қабилалар ичида энг йириги бу юз қабилаласидир. Юз (жуз)лар 92 бовли ўзбек элатининг энг катта уруғ ва қабилаларидан бири ҳисобланиб, сўнгти ўрта асрларда эътироф этилган. Юз уруғининг шажараси ҳақидаги дастлабки дала тадқиқотлари ва ёзма маълумотларни қолдирган А.Д.Гребенкин мазкур уруғни ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатидан етакчи мавқега эга эканлигини таъкидлайди [9:93].

Ватан тарихидан бизга маълумки, XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ҳудудига Дашти Қипчоқдан кўплаб қабилалар кўчиб кела бошлаганлар. Улар орасида қипчоқ, сарой, кўнғирот, юз, найман, манғит, ктай (хитой)лар йирик қабилалар ҳисобланиб, ҳар бирининг сони 30-50 мингдан то 200 мингтагача етган [13:77]. Юзлар 92 ўзбек уруғ-қабилалари орасидаги йирик ва кўп сонлилардан бири ҳисобланади [14:83,85]. “Тухфат ат-таворихи хоний”, “Мажмуат-таворих” каби тарихий манбаларда ҳам юзлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган [15:2]. Юзларнинг бошқа ўзбек қабилалари билан аралаш ҳолда яшаб келган гуруҳлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қирқ-юз (юз уруғи ва қирқ қабиласи бирлашмаси), мўғул-юз, найман-юз ва бошқа этник номлар билан аталган. Юзлар этногенези қадимги қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ.

Юзлар асосан, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида яшаганлар ва қуйидаги 3 та йирик тармоқ: Марка боласи, Қорапчи, Ражаб боласи қисмларига бўлинганлар. Юзларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши XV аср охири-XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлилигидаги Дашти Қипчоқ ўзбек уруғлари билан боғлиқ [16:172]. Бахмал тумани ҳудудига ҳам айни шу вақтда юзларнинг дастлабки гуруҳлари келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

XVIII аср бошларида ўз сиёсий мавқеларидан фойдаланиб, жонийлар давлатида кўплаб қавмларнинг мустақил равишда ҳукмронлик қилишга интилиши кучайган. Айни шу даврда юзлар ҳам Мирзачўл ҳудудида ўзларининг мустақил ҳумронлигини амалга оширганлар[8:404]. Бахмал туманида истиқомат қилувчи ўзбек уруғлари ичидаги сон ва мавқе жиҳатидан етакчи ўринни олган юз уруғи бир неча бўғин ва тармоқларга бўлинган. Тадқиқотчи Х.Дониёровнинг ёзишича, минг қабиласининг халқлари шаҳарга мослашиб ўз уруғ ва қабилаларини унугиб юборганлиги натижасида юзлар мавқеи янада ошади. Шунингдек, у Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотларига биноан, жузларни учта катта бўлакка ажратади: марка боласи, қарабчи, ражаб боласи. Марка боласи ҳам иккита бўлакка бўлинади: уяс-солин, хитой юзи. Ўз навбатида уяс олтига бўлакка бўлинади: керайт, кал, норин, уяс, оқчепкон, кўса, боймоқли ёки чўпқон [9:86].

Бахмал тумани аҳолисининг этник таркиби ҳақида маълумот берган рус генерали А.И.Макшеев тадқиқотларида ҳам юз уруғи шажараси тарихига кенг ўрин берилган [12:239]. А. И. Макшеев тўпалаган этнографик маълумотларда юз уруғи 8 та бўғинга бўлинган. Булар—парчаюз, хитой юз, солин, уяс, қарабчи, найман, эрганакли, беш юз, сўлоқли. Мазкур бўғинлар ўз навбатида 56 та тармоқга бўлинган. Таниқли этнограф В.В.Радлов ўзининг “Об оседлых тюркских племенах Средней Азии” номли асарида Жиззах, Зомин ва Ўратепа атрофидаги юз уруғларининг шажарасини таҳлил қилишга уринганн. Муаллиф ҳам юз уруғини 8 та катта юқорида қайд қилинган бўғиндан ташкил топишини эътироф этади. Айни пайтда А.И.Макшеевдан фарқли равища 9 та тармоқни аниқлайди. Булар—уч тамғали, қорақалпоқ пёджегей, тўрт тамғали, хон-хўжа, хитайчи, тигирик, хўжа хитайчи, туркман, жалойир[13:41].

Шундай қилиб, юзлар XVI асрдан XX аср бошларига қадар юртимизнинг ижтимоий-сиёсий тарихида фаол иштирок этган қабилалардан бири ҳисобланган. XX аср бошларида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида яшаган юзлар сони таҳминан 60 мингга яқин бўлган. Юзлар ўзбек халқи шаклланишида иштирок этиб, узоқ вақт давом этган этник ассимиляция жараённида XX аср 20–30 йилларида ўзбеклар таркибига кўшилиб кетганлар.

Бахмал туманида сон жиҳатидан энг кўп бўлган қабилалардан иккинчи ўриндагиси қирқ қабиласидир. Тилшунос олим X. Дониёровнинг фикрича, қирқ қабиласини юз, минг қабилалари каби сиёсий уюшма деб аташ ҳақиқатга яқиндир. Қирқ 6 та катта уруғга бўлинади: қора-қўйли, қорача, монтон, мулкуш, чапарашли ва чўрткесар. Ҳар бир уруғ ҳам яна майда бўғинларга бўлинади: бойлар тўпи, кавуш тўпи, оюв (айиқ тўпи), беклар тўпи. Қирқ қабиласи асосан Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Жиззах, Бахмал, Зомин, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Боёвут ва Тошкент вилоятининг Бекобод ва Тожикистон республикасининг Ўратепа туманида яшайдилар [14:47]. Архив материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, XX аср бошларида Жиззах

уезди (Бахмал тумани)да истиқомат қилган қирқ уруғи асосан Ўзбек ва Саурюк волостлари ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг олма-сувон ва аришли, жизак-қирқ, Кўза-бош, Оқ-тенга, бай-тўби ва чажалак, кўса, қора-қўйли, калта, қора, мулла-тўби, ўдамалик, хисари, чибор, Қорача, Балхи, жағачакли, кўса, кутичакли, чўлоқ, ўта-сори, молтоб, беглар-тўби, жарғоқ, тангри-берди, чалбор, чор-кунди каби уруғлари Қирққишлоқ, Мўғол, Сартюз, Ойқор, Боғишамол каби қишлоқларда, яна Сангзор водийсидаги Ғўбдун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқларда, Ғаллаорол текислигидаги Ғаллакор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқларда жойлашган. Бахмал тумани қишлоқларида шунингдек манғит, найман, сарой, туёқли, уйшун, буғажили эски-туркман, кўзтамғали, қозёқли, қонжиғали, қора-телпак, кийкиш каби уруғ вакиллари ҳам истиқомат қилишади[15:55,60].

Воҳада ойконимлар, оронимлар ва гидронимлар орасида этнотопонимлар 13-15% ни ташкил этади. Таъкидлаб ўтиш жоиз, баъзан этнотопонимларни фарқлаш қийин. Масалан, Жizzах вилоятида Илонли деган топонимлар бир неча марта такрорланади; Илонли (тўғрироғи жилонли) ёки жилонтамғали деган уруғ бор; бу жой газанда номи билан аталғанми ёки уруғ номи билан аталғанми, ажратиш қийин. Ёки, Жizzах ва Бахмал туманларида Лойқа деган қишлоқлар бор; сел олиб келган жинслардан ҳосил бўлган ёйилмани ҳалқ лойқа дейди; шу билан бирга лақай қабиласи номи лайқа бўлиб кетган жойлар ҳам бор. Масалан, Бахмал туманидаги Лойқаўрай этнотопоним эканлиги аниқ. Қишлоқ лақай қабиласининг ўрай уруғи номи билан аталған.

Ўзбек ҳалқининг асосий ўзагини ташкил қилган этник таркибий қисмлар қадимдан бир-бiriлари билан яқин дўстона алоқада бўлиб келинган. Ўзбек уруғ-қабилаларнинг номлари бугунги кунда этнотопонимларда, яъни қишлоқ ва маҳаллаларда ҳамда географик номларда сақланиб қолган. Масалан, қанғлиларни олиб кўрайлик. Улар хозирда Жizzах вилоятининг Ғаллаорол тумани маркази яқинидаги Катта ва Кичик қанғли қишлоқларида яшайди. Этнограф олим, К.Ш.Шониёзов мазкур ҳудуддаги қанғилилар ҳақида “... Ғаллаорол туманида яшовчи қанғлиларда сақланиб қолган анъаналар, уларнинг асосий қисми бундан 150-160 йил муқаддам, яъни XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Хива хонлигига юз берган ички низолар туфайли Хоразмдан келган”[16:142] дея ёzádi. Дарҳақиқат, улар дастлаб Қашқадарёнинг Яккабоғ, сўнgra Моргузар тоғларининг ён бағирларига, кейинчалик Ғаллаорол туманининг марказига яқин жойларга келиб ўrnashganliklari кекса ахборотчилар берган маълумотларда ўз аксини топди. Ғаллаорол туманида қанғлиларнинг сариқ, қора, оқ қанғли каби йирик бўлинмалари яшайдиган қишлоқлар ҳанузгача мавжуд. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Жizzах вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолиси жойлашуви ва этник гурухларининг ранг-баранглиги билан ҳам нисбатан фарқ қилган. Жумладан, Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол, туманларида турли ўзбек уруғ

вакиллари билан бир қаторда бошқа миллат ва элатлар ҳам истиқомат қилған. XX аср 1903-1905 йиллардаги архив статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқ этилаётган ҳудудда асосан кўпсонли миллатлар қирғиз ва тожиклар ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Қирғиз ва тожик аҳоли вакиллари асосан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаси этакларида яшашган.

Тожиклар асосан Жиззах уездининг Бағдон участкасига тегишли Бағдон, Синтоб волостларида (жами 10303 киши шундан 6 284 таси эркак, 5012 таси аёл), Янгиқўрғон участкасида тегишли Сангзор волостида Сарибозор ва Авлиё қишлоқларида 53 хўжалик, жами 228 киши, эронилар эса Сарибозор қишлоғида (жами 11 хонадон, 50 киши), Зомин участкасида тегишли Зомин волостида (жамъи 1 269 киши, шундан 702 та эркак, 567 та аёл) истиқомат қилғанлиги[17:280] тўғрисидаги архив статистик маълумотлари диққатга сазовор. Қирғизлар Жиззах уездининг Бағдон участкасида қарашли Отакўрғон, Чардор, Қизилқум, Фисталитау, Кўктюбин волостларида (жами 50 914 киши шундан 26 711 таси эркак, 24 203 таси аёл), Янгиқўрғон участкасида қарашли Чашмаоб волостида ( жами 202 киши шундан 149 таси эркак, 53 таси аёл), шунингдек, уезд маркази Жиззах шаҳрида (жами 11 киши шундан 7 та эркақ, 4та аёл) истиқомат қилғанлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилган. Зомин участкасида эса қирғизлар қайд этилмаган [17:266, 275, 280].

2019 йилда олиб борилган дала тадқиқотлари давомида қирғизлар асосан Бахмал туманининг тоғли Обай, Шайбек, Сутлибулоқ, Дувлот, Чайиш, Сурунчак, Қорасув, Жилбулоқ, Сўпи, Жадик, қирғиз Тангатопти, Музбулоқ қишлоқларида, шунингдек, Зомин туманининг Қорамозор, Каримсой қишлоқларида қайд этилди, Дўстлик ва Пахтакор, Сардоба туманларида кўпчиликни ташкил этиши аникланди.

Қирғизларнинг “Бойтейит” уруғига мансуб “Баян” тўпи: Бахмал тумани Обай, Сутлибулоқ, Дувлат, Чайиш, Сурунчак қишлоғида, Кутоли тўпи Қорасув, Жилбулоқ, Сўпи қишлоқларида, Кутике тўпи: Жадик, қирғиз Тангатопти қишлоғида, Қашқа тўпи: Зомин тумани ва Мирзачўл туманларида, Ориқ тўпи: Жадик қишлоғида, ҳамда Чопонтейит уруғига мансуб, Жимур тўпи: Музбулоқ ва Жадик қишлоқларида, Чунай тўпи: Музбулоқ, Оқмўла, Қозоқбой тўпи: Музбулоқ ва чўл туманларида, Соритейт (тейитларнинг катта фарзанди) уруғига мансуб Қурмонбекнинг 6 боласи Эшмерган ва Қутмерган тўпи Шайбек қишлоғида, Найман тейит уруғига мансуб Бойрайим тўпи: Найман қишлоғи, Кўкилбой тўпи: Кўкилбой қишлоғида, Кесактейит уруғига мансуб Бердибай ва Умрзоқ тўпи Обай қишлоғида жойлашган.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Бахмал тумани аҳолисининг этник таркиби хилмажил, катта–кичик ўзбек қабила ва уруғлари ҳамда бошқа миллат вакиллари уруғларидан ташкил топган бўлиб, бутун XX аср давомида ўзининг хусусиятини деярли йўқотмаганлигини қайд этиш лозим.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Жиззах воҳасида, жумладан воҳанинг Бахмал тумани ва унинг атрофидаги қадимий масканларда ҳаёт жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган. Буни биз юқорида санаб ўтилган воҳага оид топонимлар мисолида фақат қисман кўриб ўтдик, холос.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 345-б.
2. Б.Ж.Эшов, А.А.Одилов. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014, 25-б.
3. Р.Холмуродов, Д.Холмуродов. Тарихий ўлкашунослик фанини ўқитишида маҳаллий материаллардан фойдаланиш (Жиззах вилояти мисолида). Т.: “Истиқлол нури”, 2014, 85-б.
4. С.Қораев. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005, 66-б.
5. Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. Т.: “Маънавият”, 1999.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд.–Тошкент: ЎзМЭ, 2003.
7. Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения Туркестанский Республики. Част 1, вып.5.–Ташкент, 1924; Материалы Всесоюзный перепись населения 1926. УзССР. вып. 1, Самарканд. 1927 г.
8. Радлов В.В. Средне Зеравшанская долина // Записки РГО по отделению этнографии // т, IV. СПб, 1880.
9. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II.–Москва, 1872.
10. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе // Записки РГО по отделению статистики–Ленинград. Т. IV. СПб, 1874; Приложения // Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 // Вып. I.– Самарканд. 1890; Список населенных Зеравшанского округа. ЗРГО, т. IV. СПб. 1874.
11. ЎзР МДА, 21- фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 35-варак.
12. ЎзР МДА, 69- фонд, 1-рўйхат, 62-йифма жилд, 52-варак.
13. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.–Тошкент: Шарқ, 2001.
14. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент: Фан, 1968.
15. Список 92 Узбек–Казахских племен [http://kyrgyz.tsu.ru/gen/g\\_03.shtml](http://kyrgyz.tsu.ru/gen/g_03.shtml)
16. Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 1. Москва: Издательство АН СССР, 1962.
17. Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском krae // Записи императорского географического общества по отделу статистики. Т. II. СПб. 1871.